

МАИШИЙ ЧИҚИНДИЛАРНИ ЧЕТЛАШТИРИШ ТИЗИМИДА “МАХСУСТРАНС”НИНГ ЎРНИ

А. Б. Искандаров,

Central Asian Medical University, Гигиеник ва тиббий жараёнларни
моделлаштириш кафедраси профессори.

Сафаров М. Б.

ТТА, Коммунал ва меҳнат гигиенаси кафедраси
ассистенти, мустақил изланувчи

Ҳозирги вақтда жаҳон ва маҳаллий амалиётда табиий ресурслардан оқилогна фойдаланиш ва инсонни ўраб турган ташқи муҳит омилларини муҳофаза қилиш вазифаси жадал илгари сурилмоқда, шаҳар ҳудудини тозалаш, қаттиқ маиший чиқиндиларни йиғиш, сақлаш, ташиш, зарарсизлантириш ва утилизация қилиш учун мўлжалланган машина, жиҳоз ва технологияларни такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу айниқса йирик шаҳарлар учун жуда долзарб бўлиб, бу ерда ҳўжалик фаолияти жуда ҳам зич ва чегараланган ҳудудда аҳолининг сезиларли даражада катта сони истиқомат қилади. Шаҳар атрофида доимий равишда юзага келувчи нотўғри ташкил этилган чиқиндихоналар ҳам тупрок, ҳам очик ва ер ости сувлари, атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи манба бўлиб ҳисобланади. Йирик шаҳарларда аҳолини истиқомат қилиш шароитлари ва муҳитнинг салбий таъсирини тавсифловчи омил, ишлаб чиқаришнинг бир жойда тўпланиши ва жадаллиги, чиқиндисиз ва экологик хавфсиз технологиялардан етарли даражада фойдаланмаслик бўлиб ҳисобланади. Ишлаб чиқариш чиқиндиларини самарали бошқариш ва улардан фойдаланиш муаммосини ҳал этиш Ўзбекистон Республикаси ривожланишининг устивор йўналишларидан бири бўлиб қолди. Ўзбекистон Республикасидаги муниципал ҳосилаларни ўзлаштирилиш даражаси ва тури, ҳосил бўлаётган чиқиндининг ҳажми ва тур таркибини ўзида акс эттиради. Аҳоли турар жойларидан чиқиндиларни ўз вақтида четлаштириш минтақада ҳосил бўлаётган чиқиндиларни тўпланмаслиги, атрофга зарарли таъсир кўрсатмаслигининг асосини ташкил этади. Тошкент шаҳридаги мавжуд 12 туманда фаолият олиб бораётган Махсустрас корхоналари томонидан туманлар аҳолисидан ҳосил бўладиган маиший чиқиндиларни четлаштириш фаолияти бажарилади. Уларни тури ва иш самарадорлиги чиқиндисини четлаштириш керак бўлган ҳудуд аҳолисидан келиб чиққан ҳолда аниқлаб олинади. Ҳозирги кунда Махсустрас корхоналарида асосан 5, 8, 10 тоннали Hyundai тоннали автотранспортлар ва қурилиш чиқиндиларини олиб кетиш учун “МАН” русумидаги транспорт воситаларидан фойдаланилиди. Уларни ўз вақтида тозалаш ва зарарсизлантириш ҳар

бир “Махсустранс”корхонасида ташкил этилган машиналарни ювиш бўлимида амалга оширилади. Автомашиналарни зарарсизлантиришда эса дезинфекциялаш билан шуғулланувчи ташкилотлар билан тузилган шартномага асосан автомашиналарни зарарсизлантириш ҳар бир смена охирида бажарилади. Махсустранс корхонасида ҳудудида ташкил этилган ювиш бўлимида албатта тиндиргич кўзда тутилган бўлиб, унинг хажми ҳар бир тумандаги Махсустранс корхонасидаги машиналарнинг сонига қараб белгиланган. Уларда ҳар куни иш сменаси охирида машиналарни ювиш натижасида тўпланган оқава сув йиғилади, 200мг/л миқдордаги хлорамин билан 6 соат давомида ззарарсизлантирилади ва канализация тармоғига қуйилади. Бу эса машиналардан фойдаланиш самарадорлигини оширади.